

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА  
ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.31/31.12.2020.Үн.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

**ТОШНИЁЗОВ САРДОР УРАЛБАЕВИЧ**

**КУЧЛИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ЁКИ ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАРНИНГ  
НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ  
ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЧОРАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Жиноят-ижроия ҳуқуқи**

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳар – 2025 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Table of contents of the abstract of the dissertation of the  
Doctor of Philosophy (PhD)**

**Тошниёзов Сардор Уралбаевич**

Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашишнинг жиноий-ҳуқуқий чораларини такомиллаштириш..... 3

**Тошниёзов Сардор Уралбаевич**

Совершенствование уголовно-правовых мер борьбы с незаконным оборотом сильнодействующих или ядовитых веществ..... 27

**Toshniyozov Sardor Uralbayevich**

Improvement of criminal-legal measures to combat the illegal trafficking of potent or toxic substances..... 51

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных научных работ  
List of published scientific works..... 56

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА  
ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.31/31.12.2020.Үн.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

**ТОШНИЁЗОВ САРДОР УРАЛБАЕВИЧ**

**КУЧЛИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ЁКИ ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАРНИНГ  
НОҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ  
ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЧОРАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Жиноят-ижроия ҳуқуқи**

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳар – 2025 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.1.PhD/Yu961 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) [www.proacademy.uz](http://www.proacademy.uz) сайти, ва “ziyonet” таълим Ахборот таълим тармоғида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Каримов Хуршид Акрамович**  
юримдик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Хайдаров Шухратжон Джумаевич**  
юримдик фанлар доктори, профессор

**Иброҳимов Жамшид Абдуғофур ўғли**  
юримдик фанлар доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши**  
**ҳузуридаги Судьялар олий мактаби**

Диссертация ҳимояси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир маргалик Илмий кенгашнинг 2025 йил 23 июль соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100190, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9-уй. Тел.: +99871-202-04-96).

Диссертация билан Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (61-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100190, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9-уй. Тел.: +99871-202-04-96).

Диссертация автореферати 2025 йил 11 июль куни тарқатилди.

(2025 йил 11 июлдаги 26 рақамли реестр баённомаси).

**Б.Х.Пулатов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юримдик фанлар доктори, профессор

**Ф.Н.Мардонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ю.ф.ф.д.

**Ф.Х.Рахимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, юримдик фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Мавзунинг долзарблиги.** Дунёда инсон ҳаёти ва саломатлигига салбий таъсирини кўрсатувчи, аҳоли ўртасида заҳарвандлик авж олишига сабаб бўлувчи янги психофаол, шу жумладан кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг ноқонуний айланмаси ортиб бориб, тобора трансчегаравий ва трансмиллий хусусиятларга эга бўлмоқда. Уларнинг дунё аҳолиси ўртасида шиддат билан тарқала бошлаганлиги бевосита гиёҳвандликка қарши курашиш борасида ишлаб чиқилган халқаро ҳуқуқий механизмлар<sup>1</sup>, кўрилатган чоралар натижасида гиёҳвандлик воситаларини топиш мушкул бўлиб қолганлиги, нархи психофаол моддаларга нисбатан юқорилиги ва бошқа омиллар билан боғлиқдир. 2015 – 2020 йилларда янги психофаол моддаларнинг тарқалиши Шарқий Европа, Марказий Осиё ва Кавказ орти давлатларида юқори бўлган, 2021 йилда халқаро бозорда уларнинг 1 165 та тури аниқланган бўлса, 2022 йилда келиб уларнинг сони 1 209 тага етган, 2023 йилда эса 1 240 тани ташкил этган<sup>2</sup>. Ушбу омиллар кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддалар билан ноқонуний муомала қилишга қарши курашишнинг жинсий-ҳуқуқий таъсир чораларини такомиллаштиришга нисбатан янгича илмий-назарий ёндашувларни ишлаб чиқиш, соҳада мавжуд ҳуқуқий механизмларни қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Жаҳон мамлакатларида ҳам бу каби моддаларнинг нотиббий мақсадлардаги муомаласининг олдини олиш имконини берувчи самарали ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш, уларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш, хавфли рецидив жиноятларга барҳам бериш имконини берувчи ҳуқуқий таъсир чораларни қўллаш масалаларини, бу каби жиноятларни квалификация қилишдаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш, муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш йўллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирга қадар 60 дан ортиқ давлатлар томонидан ушбу моддалар устидан назорат бўйича қонунчилик механизмлари ишлаб чиқилганлиги<sup>3</sup>, хусусан, Буюк Британия, Австрия, Ирландия каби давлатларда психофаол моддаларга оид алоҳида қонунлар қабул қилинганлиги ва жавобгарлик чоралари белгиланганлиги<sup>4</sup> жаҳонда уларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш нақадар муҳим аҳамиятга эга бўлаётганлигини кўрсатади.

<sup>1</sup> Единая Конвенция ООН о наркотических средствах 1961 г. с поправками, внесенными в нее в соответствии с Протоколом 1972 г. «О поправках к Единой конвенции о наркотических средствах 1961 года». : заключена в г. Нью-Йорке 30 марта 1961 г., Конвенция ООН о психотропных веществах 1971 г.: заключена в г. Вене 21 февраля 1971 г., Конвенция ООН о борьбе против незаконного оборота наркотических средств и психотропных веществ 1988 г. : заключена в г. Вене 20 декабря 1988 г. – <https://www.unodc.org>.

<sup>2</sup> УНП ООН, Всемирный доклад о наркотиках, 2022 год (издание Организации Объединенных Наций, 2022 год) – [www.unodc.org/unodc/en/data-and-analysis/world-drug-report-2022.html](http://www.unodc.org/unodc/en/data-and-analysis/world-drug-report-2022.html).; УНП ООН, Всемирный доклад о наркотиках за 2023 года (издание Организации Объединенных Наций, 2023 год) – [www.unodc.org/unodc/en/data-and-analysis/world-drug-report-2023.html](http://www.unodc.org/unodc/en/data-and-analysis/world-drug-report-2023.html).; УНП ООН, Всемирный доклад о наркотиках, 2024 год (издание Организации Объединенных Наций, 2024 год). – <https://www.unodc.org/unodc/en/data-and-analnsis/world-drug-report-2024.html>.

<sup>3</sup> <https://nps-info.org/veshestva/new-psychoactive-substances>.

<sup>4</sup> В.В.Кухарук. Новые психоактивные вещества как современный фактор угрозы безопасности здоровью населения // Право и политика. 2021. № 2. – с. 61-69 (DOI: 10.7256./2454-0706.2021.2.32016).

Мамлакатимизда ҳам ушбу моддаларнинг ноқонуний муомаласи инсон ҳаёти, аҳоли саломатлиги, жамоат хавфсизлигига жиддий таҳдид солувчи омиллардан биридир. Статистик маълумотларга кўра, кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг ноқонуний айланмаси ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда, жумладан, Жиноят кодексининг 251<sup>1</sup>-моддаси билан 2018 йилда 2 та жиноят ҳисобга олинган бўлса, 2024 йилда улар 835 тага етган<sup>1</sup>. Бу ҳолат кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш тизимини илмий жиҳатдан комплекс ўрганишни, ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш бўйича асосли таклифлар ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–27-сон, 2024 йил 6 майдаги “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–73-сон фармонлари ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддалар билан боғлиқ жиноятларнинг айрим жиҳатларига М.Х.Рустамбаев, Ж.Ш.Одилов, Х.Ғ.Абдуллаев, А.М.Пайзиев, Ф.У.Якубов, М.Хайдаров, А.С.Якубов, Р.Қабулов, Х.И.Пирмуҳаммедов каби олимларнинг илмий ишларида эътибор берилган. Бироқ, ўзбек олимлари томонидан кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф равишда муомалага киритишнинг жинсий-ҳуқуқий жиҳатлари юзасидан алоҳида монографик тадқиқот олиб борилмаган.

Ушбу моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашишнинг назарий ва амалий жиҳатлари юзасидан МДҲ давлатлари олимлари, шу жумладан В.В.Кухарук, А.Н.Кугатов, Г.В.Вершицкая, В.А.Зелик, С.Ю.Косарев, А.Е.Шалагин, Ё.Г.Шмелёва, Л.О.Мовсисян, М.С.Иващенко, М.Г.Ермаков, И.В.Лазенкова, В.В.Семенова, Ю.С.Норвартян ва бошқалар томонидан тадқиқот олиб борилган.

Психофаол таъсир кўрсатувчи моддалар борасида хорижий давлатлар олимларидан Maria Rosaria Vari, Giulio Mannocchi, Roberta Tittarelli, Laura Leondina Campanozzi, Giulio Nittari, Alessandro Feola, Federica Umani Ronchi,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар бош марказининг 2025 йил 10 июндаги 7/9–1906-сон хати.

Giovanna Ricci (Италия), Rob Ralphs, Paul Gray, Oliver B.Sutcliffe (Буюк Британия), B.P.Smyth (Ирландия), Kiyoshi Wada (Япония)<sup>1</sup> ва бошқалар томонидан қатор илмий изланишлар қилинган.

Бироқ, шунга қарамай, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноятларни ҳозирги давр нуқтаи назаридан ҳамда қонунчилик ҳужжатларига киритилган ўзгартиришлар асосида тадқиқ қилиш зарурати мавжуд. Шу билан бирга, мазкур жиноятлар билан боғлиқ олиб борилган илмий ишларда баҳсли бўлган масалалар мавжуд бўлиб, мавжуд механизмлар, ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олишда қўлланилаётган жазо чораларининг самарадорлиги етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Жиноятчиликка қарши курашиш, жиноятларни профилактика қилиш ва унинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш муаммолари” мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар билан қонунга хилоф муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишга оид механизмларни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқот вазифалари:**

– кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддалар тушунчасини очиб бериш, ушбу моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноятларнинг ижтимоий хавфлилигини асослаш, ушбу турдаги жиноятлар билан боғлиқ ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш;

– кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи учун жавобгарликни белгиловчи қонунчиликнинг ривожланиш тарихини ўрганиш;

– хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилигини кучли таъсир қилувчи, заҳарли моддаларни қонунга хилоф муомалага киритиш билан боғлиқ қилмишлар учун белгиланган жавобгарлик чораларини қиёсий таҳлил қилиш;

– кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф муомалага киритиш билан боғлиқ жиноятларнинг объектини тадқиқ этиш;

– кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф муомалага киритиш билан боғлиқ жиноятларнинг объектив томонини тадқиқ этиш;

– кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф муомалага киритиш билан боғлиқ жиноятларнинг субъектини тадқиқ этиш;

– кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф муомалага киритиш билан боғлиқ жиноятларнинг субъектив томонини тадқиқ этиш;

– кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф

---

<sup>1</sup> Ушбу манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлари рўйхатида келтирилган.

муомалага киритиш билан боғлиқ жиноятлар учун жазо тайинлашдаги муаммоларни аниқлаш;

– кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф муомалага киритиш билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш борасидаги қонунчиликни такомиллаштиришга оид таклифларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф муомалага киритиш билан боғлиқ жиноят таркибининг белгилари ва ушбу қилмишлар содир этилиши натижасида юзага келадиган жиноят-хуқуқий ва бошқа муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддалар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорлари ҳамда уларни қўллаш амалиёти, шунингдек, юридик фанда мавжуд бўлган илмий-назарий қарашлардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб боришда тарихий, қиёсий-манتيқий таҳлил, социологик ва статистик усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан боғлиқ жиноят учун жавобгарлик чораларининг кучайтирилиши, шунингдек, таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситалари билан боғлиқ ноқонуний ҳаракатларни квалификация қилишда сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, дори воситаларини ёки тиббий буюмларни дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш жинояти учун жавобгарликни белгилаб берувчи нормалар қўлланилмаслиги асослантилган;

кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни истеъмол қилиш ёки тарқатиш учун бангхоналар ташкил қилиш ёки сақлаш учун алоҳида жиноий жавобгарлик чоралари белгиланиши кераклиги асослаб берилган;

вояга етмаган шахсларни кучли таъсир қилувчи моддаларни истеъмол қилишга жалб қилганлик учун тўғридан-тўғри жиноий жавобгарлик чоралари белгиланиши асослаб берилган;

шахс илгари ушбу моддалар билан қонунга хилоф муомала қилиш жиноятини содир этиб, кейинчалик гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар билан боғлиқ жиноят содир этиши ёки ушбу қилмишлар аксинча бўлган кетма-кетликда содир этилиши жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши асослаб берилган;

кучли таъсир қилувчи моддалар деганда келиб чиқиши табиий ёки синтетик бўлган, нотиббий мақсадда фойдаланиш ёки дозаларни оширишда инсон саломатлиги, руҳиятига фаол таъсир қилувчи ва ҳаётига хавfli таъсир кўрсатадиган моддалар ва/ёки улардан тайёрланган дори воситалар эканлиги, шунингдек, алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни олиб кириш, олиб чиқиш, транзит қилиш, уларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш ва

бошқа ҳаракатлар қонунчиликда белгиланган психотроп моддалар билан муомала қилиш тартиби асосида амалга оширилиши асослантирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддалар билан муомала қилиш тартиби амалдаги қонунчиликда тарқоқ ва етарлича тартибга солинмаганлиги боис ушбу моддаларнинг муомаласига оид асосий нормаларни психотроп моддаларга қўлланиладиган талаблар асосида ягона қонун ҳужжатида ифода этиш зарурати асослантирилди;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг миқдорлари жиноят содир этган шахсларга адолатли жазо тайинлаш имконини бермаслиги сабабли ҳамда хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда уларни 4 тоифага (*оз, кўп бўлмаган, озгинадан кўпроқ ва кўп миқдорга*) ажратиш лозимлиги асослантирилди;

кучли таъсир қилувчи, заҳарли моддалар ҳамда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар билан ноқонуний муомала қилишдан иборат жиноятлар бир мақсадда содир этилиши, уларнинг тажовуз объекти ягоналиги (аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар), уларни ўтказувчи шахслар кўп ҳолларда ҳам гиёҳвандлик воситалари ҳам кучли таъсир қилувчи моддаларни реализация қилишини ҳисобга олиб, ушбу моддалар билан боғлиқ жиноят таркибларини ягона бобга жойлаштириш ҳамда боб номини “Аҳоли саломатлигига қарши жиноятлар”, деб номлаш лозимлиги асослантирилди;

кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддалар билан қонунга хилоф муомала қилишдан иборат жиноятларни содир этган шахс ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида ҳокимият органларига арз қилса ҳамда кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни топширса, у ҳолда уни жавобгарликдан озод қилинишини белгилаш асосланган;

кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашишда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, 2 томонлама шартномаларни имзолаш зарурлиги асослантирилди;

кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддалар билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ва наркологик касалликларга чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўлланиши мумкинлигини белгилаш асослантирилди;

кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятларни ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилиши жинойий қилмишнинг оғирлаштирувчи ҳолати сифатида белгилаш асослантирилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, статистик маълумотлар, 5 425 нафар прокурор, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган ходимлари ўртасида ўтказилган социологик сўровлар, тадқиқ этилаётган мавзуга оид 670 та суд ҳукмининг таҳлили натижалари умумлаштириш орқали асослантирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий

ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга ҳилоф муомалага киритиш жиноятларга нисбатан янгича ёндашувда ақс этади.

Тадқиқот натижаларидан илмий фаолиятда, ўрганилаётган йўналишларда давлат сиёсатини амалга оширишда, илмий тадқиқот ишларини олиб боришда, жиноят ҳуқуқи фанини ўқитиш жараёнида, ушбу жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган нормаларни такомиллаштиришда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида фойдаланиш мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар:

ЖК 186<sup>3</sup>-моддасининг 1-4-қисмлари таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларига нисбатан татбиқ этилмаслиги, кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга ҳилоф муомаласи билан боғлиқ қилмишлар ЖК 251<sup>1</sup>-моддаси билан квалификация қилиниши, ушбу қилмиш учун жазо чораларининг кучайтирилиши ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 августдаги ЎРҚ–711-сон Қонуни 1-моддаси 1, 3, 4 ва 11-бандларини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2022 йил 12 апрелдаги 04/5-10/22-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг инobatга олиниши ҳуқуқни қўллаш амалиётида кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ қилмишларни квалификация қилишдаги муаммоларнинг бартараф этилишига, бу турдаги жиноятлар учун жавобгарлик чоралари кучайтирилишига хизмат қилган;

кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни истеъмол қилиш ёки тарқатиш учун бангхоналар ташкил қилиш ёки сақлаш учун жиноий жавобгарликнинг белгиланиши борасидаги таклифлар янги таҳрирдаги Жиноят кодексининг лойиҳасини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Бош прокуратуранинг 2023 йил 19 октябрдаги 27/2-335-23-сон далолатномаси). Таклифларнинг инobatга олиниши кучли таъсир қилувчи, заҳарли моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш фаолияти самарадорлигининг ошишига, бу турдаги жиноятларнинг олдини олишга хизмат қилади;

вояга етмаганларни кучли таъсир қилувчи моддаларнинг истеъмолига жалб этиш учун тўғридан-тўғри жавобгарликни белгилашга оид таклифлар янги таҳрирдаги Жиноят кодексининг лойиҳасини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Бош прокуратуранинг 2023 йил 19 октябрдаги 27/2-335-23-сон далолатномаси). Таклифларнинг инobatга олиниши кучли таъсир қилувчи, заҳарли моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш фаолияти самарадорлигининг ошишига, бу турдаги жиноятларнинг олдини олишга хизмат қилади;

кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддалар ҳамда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятларнинг такроран содир этилиши ушбу турдаги жиноятлар учун жавобгарликни оғирлаштирувчи

ҳолат сифатида баҳолаш борасидаги таклифлар янги таҳрирдаги Жиноят кодексининг лойиҳасини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Бош прокуратуранинг 2023 йил 19 октябрдаги 27/2-335-23-сон далолатномаси). Таклифларнинг инobatга олиниши кучли таъсир қилувчи, заҳарли моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш фаолияти самарадорлигининг ошишига, бу турдаги жиноятларнинг олдини олишга хизмат қилади;

кучли таъсир қилувчи моддалар деганда келиб чиқиши табиий ёки синтетик бўлган, нотиббий мақсадда фойдаланиш ёки дозаларни оширишда инсон саломатлиги, руҳиятига фаол таъсир қилувчи ва ҳаётига хавfli таъсир кўрсатадиган моддалар ва/ёки улардан тайёрланган дори воситалари эканлиги, шунингдек, алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни юридик шахслар томонидан олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит қилиш қонунчиликда белгиланган психотроп моддаларни олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартиби асосида амалга оширилиши, даволаш-профилактика муассасалари томонидан тиббиёт мақсадларида фойдаланиладиган алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларга бўлган эҳтиёжни психотроп моддаларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш тартиби каби ҳисоблаб чиқилиши, ушбу моддаларни сақлаш, бериш, сотиш, тақсимлаш, ҳисобга олиниши қонунчиликда белгиланган психотроп моддаларни сақлаш, бериш, сотиш, тақсимлаш, ҳисобга олиш тартиби бўйича амалга оширилишига оид таклифлар Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 4 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларнинг муомаласи билан боғлиқ тартибни белгилаш тўғрисида”ги 632-сон қарорини ишлаб чиқишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотикларни назорат қилиш миллий марказининг 2024 йил 3 июндаги 04-412-сон далолатномаси). Ушбу таклифларнинг инobatга олиниши кучли таъсир қилувчи моддалар билан муомала қилишнинг қонуний тартибини белгилаш орқали мазкур моддалар ноқонуний айланмасининг қисқартиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда, жумладан 3 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан, 11 та илмий мақола (2 таси хорижий нашрларда), 4 та тезис конференция тўпламларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўққизта параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим

муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг ноқонуний муомаласи учун жавобгарлик чораларини белгилашнинг ижтимоий-ҳуқуқий зарурияти”** деб номланиб, унда кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг ноқонуний муомаласи учун жиноий жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий зарурати, ушбу турдаги жиноят учун жавобгарлик белгиланган жиноят қонуни нормаларининг ривожланиш тарихи ва ҳозирги ҳолати ҳамда бу борадаги хорижий тажриба таҳлил қилинган.

Тадқиқотчи ушбу бобда ҳуқуқшунос олимларнинг фикрларини таҳлил қилган ҳолда кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг ноқонуний муомаласи учун жиноий жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий зарурати унинг ижтимоий хавфлилигини белгиловчи қуйидаги омилларда намоён бўлади, деган хулосага келади:

а) кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг ноқонуний айланмаси жиноят қонуни билан қўриқланадиган бир нечта ижтимоий муносабатларга таҳдид солувчи омил ҳисобланиб, уларнинг чекланмаган миқдордаги ноқонуний муомаласи аҳоли саломатлиги ва ҳаётига зарар етказди ва бу ҳолат мамлакатда гиёҳвандлик ва заҳарвандлик кенг тарқалишига сабаб бўлади ҳамда миллий генофонд бузилишига олиб келади;

б) кучли таъсир қилувчи моддаларни гиёҳвандлик воситалари ўрнига ёки улар билан бирга нотиббий мақсадларда мунтазам равишда фойдаланилиши жиноий уюшмаларни ташкил этиш ҳолатларининг авж олиш каби салбий оқибатларни юзага келтириб, мамлакатдаги криминоген вазиятни издан чиқарувчи қуйидаги ҳолатлар вужудга келади:

– кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятлар содир этилади;

– кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддалар ёрдамида бошқа турдаги жиноятлар, шу жумладан қасддан одам ўлдириш, номусга тегиш, жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш, айрим турдаги касалликларни юктириш кабилар содир этилади;

– кучли таъсир қилувчи моддалар таъсирида бошқа турдаги жиноятлар содир этилади;

– кучли таъсир қилувчи моддалар таъсирида бўлгани ҳолда жиноят ишларида жабрланувчи бўлиб қолиши мумкин.

Шунингдек, муаллиф томонидан ушбу моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашишнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, жиноят қонунчилигининг қуйидаги манбалари асосида босқичларга бўлиб ўрганилган:

1) Ўзбекистон ССРнинг 1926 йилдаги *Жиноят кодекси амалда бўлган даврда* жиноят сифатида тан олинган қилмишларнинг предметига фақатгина кучли таъсир қиладиган захарли моддалар киритилган бўлиб, кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ўзи билан боғлиқ қилмишлар жиноий-ҳуқуқий муносабатлардан чиқарилган. Кодекснинг “Халқнинг саломатлигини, жамоат хавфсизлигини ва оммавий тартибни сақлаш қоидаларини бузиш” деб номланган бобида махсус рухсатсиз кучли таъсир қиладиган захарли моддаларнинг ноқонуний муомала қилганлик учун жиноий жазолар назарда тутилган бўлиб, жавобгарлик моддаларнинг ўтказиш мақсади бўлмаса ҳам юзага келган;

2) Ўзбекистон ССРнинг 1959 йилдаги *Жиноят кодекси амалда бўлган даврда* 1926 йилдаги Кодексдан фарқли равишда кучли таъсир қилувчи ва захарли моддаларнинг ноқонуний айланмасига кўпроқ урғу берилиб, айрим қилмишлар учун алоҳида жиноий жавобгарлик чоралари белгиланган. Хусусан, Кодексда ушбу моддаларни махсус рухсатнома олмасдан туриб, сотиш, сотиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ва сотиб олиш, улар билан муомала қилиш қоидаларини бузиш, контрабандаси, шунингдек, мазкур моддаларни талон-торож қилиш, ушбу жиноят ҳақида хабар бермаслик ҳамда уни олдиндан ваъда бермасдан яшириш учун жиноий жазолар назарда тутилган. Кучли таъсир қилувчи ва захарли моддаларни талон-торож қилиш жиноятининг субъекти ўн тўрт ёшга тўлган шахс ҳисобланган. Эътиборлиси, барча тоифадаги жиноятлар предметига ҳам кучли таъсир қилувчи ҳам захарли моддалар киритилган;

3) 1995 йилдан 2004 йилга қадар бўлган даврда мамлакатимиз мустақиллигининг илк йилларида қабул қилинган *Жиноят кодексида* кучли таъсир қилувчи, захарли моддаларнинг ноқонуний реализацияси учун 2 турдаги жавобгарлик чоралари белгиланган. Хусусан, Кодекс қабул қилинганда ушбу моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш ҳамда кучли таъсир қилувчи захарли моддаларнинг контрабандаси учун жавобгарлик ўрнатилган бўлган;

4) 2004 йилдан бугунги кунга қадар бўлган даврда кучли таъсир қилувчи ва захарли моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш янги босқичга чиқиб, *Жиноят кодексида* ушбу жиноятлар учун жавобгарлик такомиллаштирилди ва жазо чоралари кучайтирилди. Жумладан, 2004 йилда кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда муомалага киритганлик, 2020 йилда таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузганлик, 2024 йилда алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда муомалага киритганлик, кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаганлик, тарқатганлик, реклама қилганлик, намоиш этганлик учун жиноят таркиблари киритилди.

Шунингдек, муаллиф томонидан кучли таъсир қилувчи ва захарли моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш борасида Ўзбекистонда мавжуд жиноий-ҳуқуқий чоралар хорижий мамлакатлар билан

қиёсий солиштирилган ҳолда таҳлил қилинган. МДҲ давлатлари жиноят қонунчилиги Ўзбекистон қонунчилиги билан деярли ўхшаш бўлса, Европа, Узоқ Шарқ давлатларида Ўзбекистон жиноят қонунчилигидан кескин фарқ қилади, яъни уларнинг қонунчилигида “кучли таъсир қилувчи моддалар” тушунчаси қўлланилмаган бўлиб, “заҳарли”, “гангитувчи моддалар”, “психофаол таъсир кўрсатувчи моддалар” каби атамаларни кўриш мумкин.

Қиёсий таҳлил асосида муаллиф томонидан бир қатор механизмларни миллий қонунчиликка киритиш зарурлиги асосланган:

а) *Озарбайжон, Грузия, Арманистон ва Украина* тажрибаси асосида ЖК 251<sup>1</sup>-моддасига кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларни ҳокимият органларига топширган шахс жавобгарликдан озод қилинишини белгилаш;

б) *Беларус* тажрибаси асосида ўқув юртларида, ўқувчилар, талабалар ўқув-тарбия, спорт ёки жамоат тадбирлари ўтказиладиган бошқа жойларда вояга етмаган шахсни кучли таъсир қилувчи моддаларни истеъмол этишга жалб қилиш учун оғирроқ жавобгарлик чораларини белгилаш;

в) *Озарбайжон, Грузия* тажрибаси асосида кучли таъсир қилувчи, заҳарли моддалар миқдор тоифаларини кўпайтириш (*масалан, гиёҳвандлик воситалариники каби оз, кўп бўлмаган, озгинадан кўпроқ ва кўп миқдор*), шунингдек, бу турдаги жиноятларни содир этган юридик шахсларга нисбатан жинойий-ҳуқуқий таъсир чораларини белгилаш;

г) *Россия* тажрибаси асосида кучли таъсир қилувчи, заҳарли моддалардан фойдаланган ҳолда жиноят содир этилишини жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгилаш.

Диссертациянинг “**Кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг ноқонуний муомаласи таркибининг ўзига хос хусусиятлари**” деб номланувчи иккинчи бобида кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг ноқонуний муомаласи жиноят таркибининг объектив ва субъектив белгилари, ушбу жиноят учун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар таҳлил қилинган.

Муаллиф кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритишнинг *объекти* борасида илмий-назарий қарашларни ҳар томонлама таҳлил қилган ҳолда ушбу жиноятнинг *махсус объектини* – жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартиби, *турдош объектини* – аҳоли саломатлигини асраш, таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар сифатида таърифлайди. Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритишнинг *асосий бевосита объекти* аҳоли саломатлигини асрашга қаратилган кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддалар билан муомала қилишнинг белгиланган тартиби, *қўшимча бевосита объекти* эса, ушбу жиноят туфайли асосий бевосита объектга зарар етказилганда муқаррар зарар етиши мумкин бўлган ижтимоий муносабатлар, яъни экология, жамоат хавфсизлиги, аҳоли саломатлиги ва одамлар ҳаёти ҳисобланади.

Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритишнинг *предмети*га кучли таъсир қилувчи моддаларни

тарғиб қилувчи маҳсулот, кучли таъсир қилувчи, захарли моддалар, уларни тайёрлаш ёхуд қайта ишлаш учун асбоб-ускуналар киради.

Кучли таъсир қилувчи ёки захарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш жинояти *объектив томон* бўйича альтернатив белгили, формал таркибли (*ЖК 251<sup>1</sup>-моддасининг 1-5-қисмлари ва 251<sup>2</sup>-моддаси*), моддий таркибли (*ЖК 251<sup>1</sup>-моддасининг 6-қисми*) жиноят ҳисобланади. Ушбу жиноят таркиблари бир нечта альтернатив ҳаракатлардан, яъни:

а) кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида (1) тайёрлаш; (2) уларни тарқатиш, (3) реклама қилиш, (4) намойиш этиш, оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида (5) тарқатиш, (6) реклама қилиш, (7) намойиш этиш;

б) кучли таъсир қилувчи ёхуд захарли моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда (1) тайёрлаш; (2) қайта ишлаш; (3) олиш; (4) сақлаш; (5) ташиш; (6) жўнатиш; (7) ўтказиш;

в) кучли таъсир қилувчи ёхуд захарли моддаларни ўтказиш мақсадида тайёрлаш, қайта ишлаш учун асбоб-ускуналарни (1) тайёрлаш; (2) олиш; (3) сақлаш; (4) ташиш; (5) жўнатиш; (6) ўтказиш;

г) кучли таъсир қилувчи ёхуд захарли моддаларни (1) ишлаб чиқариш; (2) олиш; (3) сақлаш; (4) ҳисобга олиш; (5) бериш; (6) ташиш; (7) жўнатиш қоидаларни бузишдан (*агар бу эҳтиётсизлик орқасида уларнинг ўзирланишига ёки бошқа тарзда жиддий зарар етказилишига олиб келган бўлса*) иборатдир.

Муаллиф қонун чиқарувчининг жиноятга тайёргарлик босқичини ташкил этувчи бир нечта ҳаракатларнинг тугалланган жиноят сифатида белгилашини кучли таъсир қилувчи ва захарли моддалар тарқалишининг ижтимоий хавфи юқорилиги билан боғлиқ, деб ҳисоблайди.

Бунда ушбу ҳаракатларни амалга оширишнинг тамом бўлиш вақти турлича бўлиши мумкин. Масалан, кучли таъсир қилувчи, захарли моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлашда ҳаракатнинг тамом бўлиш вақти тайёр моддалар олинган, қайта ишлашда – моддаларни кўшимча моддалардан тозаланган (рафинация қилинган), уларда кучли таъсир қилувчи, захарли моддалар нисбати кўпайтирилган, олишда – моддалар айбдорнинг эгалигига ўтган, сақлашда – моддаларни сақлашга қаратилган ҳаракатларнинг амалга оширилиши бошланган (*de jure*) ва сақлаш ҳаракати аниқланган (*de facto*), ташишда – моддаларни ташиш учун фойдаланилаётган транспорт воситасининг ҳаракатланиши бошланган, жўнатишда – моддалар тегишли воситалар орқали адресатга юборилган, яъни ташувчига топширилган, ўтказишда – моддалар ўзгага берилган вақт ҳисобланади.

Тадқиқотчининг фикрига кўра, ЖК 251<sup>1</sup>-моддаси учинчи қисми диспозициясидаги ҳаракатлардан фақатгина сақлаш ҳам ҳаракат ҳам ҳаракатсизлик билан амалга оширилади, қолганлари эса айбдордан фаол ҳаракатлар содир этилишини талаб этади.

Муаллиф жиноят қонунчилигида кучли таъсир қилувчи, захарли моддаларнинг ноқонуний айланмасини ташкил этувчи жиноят таркибларида барча ҳаракатлар ҳам назарда тутилмаганига эътибор қаратган. Хусусан,

диссертант қонунчилик ҳужжатларида кучли таъсир қилувчи, заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш ва тайёрлаш алоҳида-алоҳида ҳаракатлар сифатида назарда тутилганлигини инобатга олиб, ЖК 251<sup>1</sup>-моддасининг 3-қисмига ушбу моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ҳаракатини кўшишни таклиф этган. Шунингдек, ЖК 251<sup>1</sup> ва 251<sup>2</sup>-моддаларидаги альтернатив ҳаракатлар деярли бир хил бўлса-да, иккинчи моддада кучли таъсир қилувчи моддаларни қайта ишлаш ҳаракати кўзда тутилмаган. Қайта ишлаш ҳаракатининг асосий мақсадларидан бири сифатида кучли таъсир қилувчи модданинг концентрациясини (таъсир кучини) ошириш ҳисобланишини ва бу каби моддалардан гиёҳвандлик мақсадларида фойдаланиш шахснинг уларга тобе бўлишини тезлатишини ҳисобга олиб, диссертант ЖК 251<sup>2</sup>-моддасига қайта ишлаш ҳаракатини киритишни таклиф этган.

Шунингдек, муаллифнинг фикрига кўра, ЖК 251<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган жиноят таркиблари тўлиқлигича кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш билан қамраб олинмайди. Зеро, модданинг 1 ва 2-қисмларидаги ҳаракатлар кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи билан эмас, балки уларни тарғиб қилувчи маҳсулотлар билан боғлиқ бўлса, 6-қисмидаги қилмиш эса, махсус субъект томонидан ўрнатилган қоидаларни бузишдан иборатдир. Шу сабабли, диссертация ишида ушбу жиноят таркибларини алоҳида моддаларга ажратиш кераклигини асослантирилган.

Диссертант кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддалар ноқонуний айланмасининг *субъектив томонига* тўхталиб:

а) ЖК 251<sup>1</sup>-моддасидаги қилмиш айни бир мақсад билан (*кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ҳамда кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларни ўтказиш мақсадида*) амалга оширилиши, яъни айбдор кучли таъсир қилувчи, заҳарли моддалар ва уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш ёхуд уларни ўтказиш мақсадида тайёрлаш ёхуд қайта ишлаш учун асбоб-ускуналар билан қонунга хилоф равишда муомала қилаётганлигини англаши (тафаккурий элемент) ва ушбу ҳаракатларни содир этишни исташидан (иродавий элемент) дарак бериши боис, қилмиш фақатгина тўғри қасд билан содир этилади;

б) ЖК 251<sup>1</sup>-моддасининг 6-қисмидаги қилмиш қасддан содир этилади, деб ҳисобланганда, шахснинг ҳаракатлари кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларни ноқонуний эгаллаш ва бошқа жиноятларда иштирокчилик сифатида баҳоланишига олиб келиши боис, қилмиш эҳтиётсизлик оқибатида (ҳам ўз-ўзига ишониш, ҳам бепарволик орқасида) содир этилади, деб қайд этади.

Ушбу бобда қайд этилишича, кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг ноқонуний айланмаси жиноятининг (ЖК 251<sup>1</sup>-моддасининг 1-5-қисмлари ҳамда 251<sup>2</sup>-моддаси) *субъекти* жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахс ҳисобланади, яъни ушбу жиноят бўйича умумий субъект ёши белгиланган. ЖК 186<sup>3</sup>-моддасининг 5-қисми

ҳамда 251<sup>1</sup>-моддасининг 6-қисмидаги жиноят субъекти махсус субъект ҳисобланиб, кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёхуд жўнатишга оид қоидаларини бажаришга мажбур бўлган ҳамда кучли таъсир қилувчи моддаларни сотиш ваколатига эга шахслар томонидан содир этилиши мумкин.

Муаллиф кучли таъсир қилувчи, заҳарли моддаларнинг ноқонуний муомаласи субъекти белгиларини таҳлил қилар экан ушбу қилмиш учун жавобгарлик белгиланган ЖК 251<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган “*жиноятнинг бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилиши*” каби оғирлаштирувчи ҳолатга алоҳида тўхталиб ўтган. Жумладан, муаллифнинг фикрига кўра, жиноят иштирокчиларидан бири жиноят субъекти бўлмаган ҳолларда иккинчи иштирокчининг ҳаракатлари гуруҳ таркибида содир этилган жиноят сифатида квалификация қилинмаслиги керак. Тадқиқотчи гуруҳ таркибида жиноят содир этиш унда иштирок этаётган ҳар бир шахснинг содир этилаётган жиноятга қасди мавжудлигини назарда тутуди, жавобгарликка тортиш ёшига етмаган шахслар эса содир этилган қилмишнинг ғайриқонунийлигини, ижтимоий хавфини тўлиқ англаб етмайди, бу ҳолатда уларда жиноят содир этишга қасд мавжудлиги ҳақида сўз бориши ноўриндир, деган фикрни билдирган.

Диссертациянинг учинчи боби “**Кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари**” деб номланиб, унда кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятлар учун жазо тайинлашда мавжуд муаммолар, жазо тайинлаш амалиётини такомиллаштириш истиқболлари, ушбу қонунга хилоф ҳаракатлар учун жиноий жавобгарликка оид миллий жиноят қонуни нормаларини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган.

Муаллиф томонидан кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича чиқарилган суд ҳукмларининг таҳлили асосида ушбу жиноятлар учун жазо тайинлаш амалиёти кўриб чиқилиб, қуйидаги муаммолар мавжудлигига эътибор қаратилиб, уларнинг олдини олиш бўйича қатор таклифлар илгари сурилди:

а) гарчанд судланувчилар ЖК 251<sup>1</sup>-моддасининг 3-5-қисмларидаги зарурий белги ҳисобланган ўтказиш мақсадини тан олмасаларда, яъни кучли таъсир қилувчи моддаларни ўтказиш мақсадисиз ўзларининг шахсий эҳтиёжлари учун олганликларини баён қилсаларда, айрим ҳолларда судлар томонидан уларга нисбатан жазо тайинлашда ЖК 55-моддасининг 1-қисми “а” бандидаги *чин кўнгилдан пушаймон бўлиш (содир этилган жиноятда ўз айбини тўлиқ ва очиқдан-очиқ тан олиш)* каби жазони енгиллаштирувчи ҳолат қўлланилмоқда. Шунга асосан, Олий суд Пленумининг жазо тайинлашга оид қарорида ушбу тушунчага таъриф ва тушунтириш бериш, шу жумладан Кодексдаги модданинг диспозициясида назарда тутилган жиноятнинг зарурий белгисидан лоақал биттасини тан олмаслик ҳам чин кўнгилдан пушаймонлик бўлмаслигини аниқлаштириш лозим;

б) ЖК 56-моддасида санаб ўтилган ҳолатлар Кодекс Махсус қисмининг моддасида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, жазо тайинлашда ҳисобга олинмаслиги белгиланган. Бироқ, судлар томонидан ЖК 251<sup>1</sup>-моддасининг 3-5-қисмлари билан ҳукм чиқарилганда ушбу моддадаги жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланган ўтказиш мақсадини жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаш амалиёти мавжуд. Шунга кўра, ўтказиш мақсадида содир этиладиган жиноятларда назарда тутилган ҳаракат (ҳаракатсизлик) *гараз ниятда, яъни моддий манфаатдорлик эвазига содир этилган ҳоллар* ЖК 56-моддасига мувофиқ жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида тан олинмаслигини Олий суд Пленумининг жазо тайинлашга оид қарорида белгилаш керак;

в) сўнги йилларда кучли таъсир қилувчи ва захарли моддаларнинг ноқонуний айланмаси учун жазо чоралари кучайтирилган бўлса-да, ушбу моддалар билан боғлиқ ноқонуний ҳолатлар ҳанузгача тиббиёт, фармацевтика муассасаларида содир этилиши тўхтамаган. Амалдаги қонунчилик, шу жумладан фуқаролик, лицензияга оид нормалар таҳлили юридик шахсларга ноқонуний ҳолатлар учун самарали таъсир чораларини қўллаш имконини бермаслигини кўрсатмоқда. Шунга асосан, муаллифнинг фикрига кўра, мазкур моддаларнинг ноқонуний айланмасига самарали қарши курашиш мақсадида жиноят қонунчилигига юридик шахсларга нисбатан жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ҳамда юридик шахсни тугатишни назарда тутувчи жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш мумкинлигига оид қўшимчаларни киритиш мақсадга мувофиқ;

г) жиноят қонунчилигида кучли таъсир қилувчи, захарли моддаларни захарвандликка чалинмаган, бироқ уларни истеъмол қилиб турадиган ёхуд моддаларни истеъмол қилган ҳолда жиноят содир этган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш имконини берувчи нормалар белгиланмаган. Ушбу моддаларнинг аҳоли ўртасида кенг тарқалишининг олдини олиш мақсадида жиноят қонунчилигини янги турдаги жиноий-ҳуқуқий таъсир чоралари, хусусан, озодликдан чеклаш жазосидаги қўшимча мажбуриятлар (*масалан, муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзида сақламаслик, алкоғолли ичимликлар ва бошқа муомаласи тақиқланган ва чекланган товарларни истеъмол қилмаслик*) барча турдаги жазолар билан бирга қўлланиши мумкинлигини белгилаш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, ушбу бобда диссертант томонидан қуйидаги қатор ҳуқуқий механизмларни қонунчиликка киритиш орқали кучли таъсир қилувчи ва захарли моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш фаолияти самарадорлиги ошиши таъкидланган:

а) бугунги кунда ахборот технологияларининг жадал ривожланиши жиноят олами вакилларига уларни қўллаган ҳолда, фаолиятини “самарали” олиб бориш имконини бермоқда. Зотан, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда жиноят содир этиш жиноятчига қулайлик ва енгиллик яратади ҳамда бир вақтнинг ўзида унинг қилмишлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан аниқланишини қийинлаштиради. Шунга асосан,

кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятларнинг *ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилиши* жиноий қилмишнинг оғирлаштирувчи ҳолати бўлишини белгилаш ва улар учун оғирроқ жазо чораларини ўрнатиш зарурияти мавжуд;

б) кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддалар билан боғлиқ муносабатлар турли хил қонунчилик ҳужжатлари билан қисман тартибга солинганлиги ушбу моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ ноқонуний қилмишларга самарали курашиш ҳамда ҳуқуқни қўлловчилар орасида қилмишга тўғри ҳуқуқий баҳо бериш имконини бермайди. Шунга асосан, ушбу моддаларнинг муомаласига оид асосий нормаларни психотроп моддаларга қўлланиладиган талаблар асосида ягона қонун ҳужжатида ифода этиш мақсадга мувофиқ;

в) кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларни қонунга хилоф муомалага киритиш билан боғлиқ жиноятларнинг ортиши трансмиллий жиноятчиликнинг ривожланишига замин яратмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар ўртасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш борасида қатор келишувлар имзоланган. Шу сабабли, ушбу моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида бу борада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, халқаро шартномаларни имзолаш лозим;

г) маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликда наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволатиш имконини берувчи самарали механизмлар яратилмаган. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 29<sup>2</sup>-моддасида фақатгина карантинли ва инсон учун хавfli бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши шароитида эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузишга оид ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилиши мумкинлиги белгиланган. Шунга асосан, кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддалар билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ва наркологик касалликларга чалинган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилиши мумкинлигини белгилаш зарурати мавжуд;

д) бугунги кунда кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласи, шу жумладан уларни ноқонуний мақсадларда гиёҳвандлик воситалари ўрнига ёки гиёҳвандлик воситаларнинг ноқонуний таъсирини кучайтириш мақсадида истеъмол қилиш ҳолатлари ортиб бормоқда. Шунга қўра, жиноят қонунида ушбу моддаларни истеъмол қилиш ёки тарқатиш учун *бангхоналар* ташкил қилиш ёки сақлаш учун алоҳида жиноий жавобгарлик чораларини белгилаш керак.

## ХУЛОСА

“Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашишнинг жиноий-ҳуқуқий чораларини такомиллаштириш” мавзусидаги диссертация иши доирасида амалга

оширилган изланишлар натижасида қуйидаги илмий-назарий хулосалар, қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқилган:

### **I. Жиноят ҳуқуқи фани назариясини ривожлантиришга оид тавсиялар:**

1) кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ жиноят предметини аниқлашда мазкур моддаларнинг жисмоний, тиббий (биологик), ижтимоий ҳамда ҳуқуқий (юримдик, норматив) хусусиятлари ҳисобга олинади;

2) кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддалар тушунчалари таърифи ишлаб чиқилди:

*“Кучли таъсир қилувчи моддалар – қонунчилик ҳужжатлари билан тасдиқланган рўйхатга киритилган, улардан ҳаддан ташқари кўп миқдорда ёки белгиланган тартибга риоя қилмасдан туриб фойдаланилган тақдирда ўзига тобеликни юзага келтирадиган, одам соғлиғи ва ҳаётига зарар етказиши мумкин бўлган синтетик ёки табиий моддалардир.*

*Заҳарли моддалар – қонунчилик ҳужжатлари билан тасдиқланган рўйхатга киритилган, кам бўлган миқдорда ҳам одам соғлиғи ва ҳаётига зарар етказиши мумкин бўлган синтетик ёки табиий моддалардир”;*

3) кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларнинг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ жиноят таркибининг *махсус объекти* жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартиби, *турдош объекти* аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар, *асосий бевосита объекти* аҳоли саломатлигини асрашга қаратилган кучли таъсир қилувчи моддалар билан муомала қилишнинг белгиланган тартиби, *факультатив бевосита объектга* эса, экологик, жамоат хавфсизлиги, аҳоли саломатлиги, одамлар ҳаёти ҳисобланади.

### **II. Кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг қонунга хилоф муомаласига қарши курашишга қаратилган қонунчиликдаги нормаларни такомиллаштиришга оид таклифлар:**

1) ЖК 56-моддаси биринчи қисмининг “о” бандини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

